

МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ

ҲУМО
ПАРВОЗИ

Ғазаллар

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

Мирзо Абдулқодир Бедил – Шарқ шеърятининг буюк му-
тафаккирларидан бири, форс шеърятида янги давр очган
сиймолардандир. Шоирнинг асарларида инсониятнинг мод-
дий ва маънавий ҳаёти бутун мураккаблиги билан ўз аксини
топган. Шуниси муҳимки, бу инъикос шоир қаламидан ўзига
хос бетакрор бўёқларда, сержило поэтик воситалар орқали
ўзининг бор мураккаблиги билан ифода этилгандир. Мирзо
Абдулқодир Бедилнинг ғазаллари шу пайтгача ўзбек тилида
жарангламаган эди. Бу мураккаб шеърятнинг таржимасига
Матназар Абдулҳаким илк дафъа журъат этди. Аслиятнинг
оҳанг, фикр ва туйғуларини ўзбек тилига иложи борича
қамровлироқ бир тарзда ўтказишни таржимон ўз олдига
мақсад қилиб қўйган ва аксар бунга эришган ҳам.

Форсидан
Матназар АБДУЛҲАКИМ
таржимаси

ISBN 978-9943-08-204-5

© Мирзо Бедил. «Ҳумо парвози». «Янги аср авлоди»,
2007 йил

Kitobxon.Com

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	5
Толеимизни қалам битмиши мубҳам эрур	11
Таҳқиқ хилватсарода... кошоналиғ не бўлғай	12
Лайлининг ишқи қани, то қайтадан ғавғо қилур	14
Пайдо бўлишимнинг кунида шул асар эрди	16
Дил хилватида нозли нигоримни кўринглар	17
Кўнглим ҳар бир зарраси ҳижронда жоним бўлғуси	18
Кексаману, соғару паймона йўқ	19
Ёниқ матлабларим бергай оловга дostonларни	20
Сиз тағовулпеша кўзлар ичра ўзни жо қилинг	22
Бу давра асл сўзлара махзан даҳан эрди	24
Бир-бирига кўрки андиша эмас бегона, йўқ	26
Зулфи юзинг билан солдинг дилга яро – қаро ва оқ	27
Фолинга қўйғилу чек, шавкати жоҳни англа	28
«Ман-ман»и қилғуси инсонни адо	29
Бу ҳаёт ман-ман дебон, сайри фано айлаб кетар	31
Ушбу гулшан узра мендан ёғдирар афсун бу сув	32
Ҳаққа етмак хилватин кошонаси қандоқ бўлар	33
Ишқ аҳлига, қилманг унут, ҳеч бир ҳавас имкони йўқ	34
Кимниким хотиржам айлабдур, ки, жонда бўрё	35
Дил нураб бормоқда, дўстлар, оҳдин хун қилсангиз	36
Токи чаман томонидан бўйи баҳор етиб келар	38
Изтиробинг бирла оқшом базми гулшан танг эрур	39
Бошинг узра шаъм киби иқболу чоҳ йиғлар	40
Хожа, бу бунёдларинг охирда расвомасми ё	42
Ҳамла қилгач ғам, юрак фарёди беоҳанг қолур	44
Борлиғимнинг гардлари ичра фано беркитдилар	45
Кайф-сафо аҳли ҳаёсинда наво ухлар эди	47

Саҳар оҳу олар гулдам ва булбулнинг фиғони бор	48
Келди баҳор, замин чаман. Унутма, боғ ўтиб кетар	50
Васл нақш берган бу тун дил бир севиб девонадир	51
Сабру тоқат навқиронлик қилғуси	53
Очиқ бағримга ким бағрин очиб келгай дучор бу кун	54
Жон сувлари кўз ёшга дўниб, дил тўла дардлар	56
Кексалиқдан ёш тўлиб, кўзлар, паришон бўлғуси	57
Қилди бунёд сўз билан нокомлиғлар комлар	58
Ваҳшатим бир тўлғониб дашт ичра бўстон очғуси	60
Омонлиғдан, кўнгил туғён этиб, бегоналиғ мавжуд	61
Чинни нафас аҳли, не ёзуқ нур, кўринглар	62
Ҳаққа таслим бўлубон, шавқ тўла чоқ топғил бир	64
Гулим, гарчи юзида анинг ниқоб, кулар	66
Жунун туғёни ваҳшат сори ўзни раҳнамо қилгай	68
Пардада қудратли бир жимлик тақаллум айлагай	69
Кимки бу олам аро кайфу сафо кўргусидир	70
Акс эттириб ҳаётни, оҳ, бир нафас на қилсун	72
Садафни синдиrolмас ҳимматимдан дурру гавҳарлар	73
Кекса ҳуш нон дардида биздан муқаддам кетгамиш	75
Бу мажлис аро бисёр шовқинлару суронлар	76
Учсак, бўлиб қуш, сайёд аҳволи танг бўлибдур	78
То туғилдим, ҳар қулоғимга мудом афсун керак	79
Ёд этиб шавқингни, синган хаста диллар шоддир	80
Ҳақ дебон дил макрин эл боринча имкон тўксалар	82
Кўзларингга, тенгсизим, бўлсин фидо майхоналар	84
Чекиб мен дард, биров ором аро сақлайди жон бунда	87
Кўзим ёши менинг девоналарча	88
Дарёни умид этдиму нам йўқ бу маконда	89
Оҳ, жилвасини анинг ниқоб сотар	90
Тонг паридек йўқ бўлгай. Орзуга таҳдид – бунда	91
Қанотин руҳ кезиб ёзсин жаҳона	92
Жунун, айт, қайдасан, вайрона қайда	93
Тупроғим кўкка ўзин то тартади	94
Бу гулзор, бу чаман дилдор учундир	95

СЎЗБОШИ

Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари яшаб ўтган даврда форс адабиёти мухлисларини янги асарлар билан ҳайратлантириш ниҳоятда душвор эди. Мазкур адабиётда бу пайтгача қудратли шоирлар, турфа услубдаги ижодий мактаблар яшаб ўтган бўлиб, форс шеърляти жаҳон адабиётига залворли ҳисса қўшиб улгурган, ўзининг авж пардаларида гўё куйлаб бўлган-дек эди.

Мирзо Абдулқодир Бедил ўз ижоди билан Аллоҳ мўъжизаси нақадар чексиз эканлигини исботлади, ундан қолган мерос тараққиёт нақадар бемиқёс бир синоат эканлигига далил бўлди.

Мирзо Абдулқодир Бедил Ҳиндистоннинг Азитобод шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси Шаҳрисабз ўзбекларидан бўлиб, ҳаж сафаридан кейин Ҳиндистонда муқим бўлиб қолган эди.

Ёш Абдулқодир бошланғич маълумотни онасидан олди. Унинг мутафаккир сифатида камол топишида, шоир бўлиб шаклланишида мадраса таҳсили, шунингдек, амакиси Мирзо Қаландар, тоғаси Мирзо Зарифлар берган тарбия муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаёти ва ижоди Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб сингари бобурийлар даврига тўғри келган шоир ўз фаолиятининг дастлабки даврларида аждодлари удумига кўра сипоҳийлик қилди, ҳарбий хизматга кўнгли бўлмаганидан, кейинчалик истеъфо бериб, умрини буткул бадиий ижодга бағишлади. Кўплаб шогирдлар тайёрлаб етиштирди. Мирзо Абдулқодир Бедил ва у яратган мактаб ижодкорлари форс шеърятини яна ҳам юксалтирдилар, Шарқ маънавиятида янги давр очдилар.

Мирзо Абдулқодир Бедил шахсияти туркий, форсий ҳамда Ҳиндистон халқларини бирлаштириб турган силсиланинг узилмас ҳалқасидир.

Манбаларда маълумот берилишича, Бедил ҳазратлари 130 минг мисрадан ортиқ шеърый, эллик босма табоқ ҳажмида насрий мерос қолдирган. Шоирнинг асосий шеърый асарлари жамланган «Куллиёт»и, шунингдек, «Тилсими ҳайрат», «Таркибот ва таржеъот», «Муҳити аъзам», «Тури маърифат», «Ишорот ва ҳикоёт», «Риқаъот», «Чаҳор унсур», «Ирфон», «Нукот» сингари бир қатор назмий ва насрий асарлари борлиқ ва йўқликнинг, олам ва одамнинг тасвир ва тавсифига, руҳий-маънавий тадқиқига сарфланган бетимсол ижодий меҳнатнинг жавоҳир меваларидир.

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ғазалларида мангу мавзулар ҳайратланарли бир бетақрорлик билан

жунбишга келади. Ҳаққа ва халққа муҳаббат, туғилиш ҳамда ўлим каби азалий ва абадий кечинмаларимиз фавқулодда бир мўъжизавийлик билан ўқувчи руҳиятига сингдирилади.

Хурдадонлар Бедил ҳазратларини «Шоирларнинг шоири», «Маънолар отаси» деб атаганлар. Дарҳақиқат, шоирнинг қалами энг кичик заррадан коинот чексизлигигача бўлган поёнсиз оралиқда бир қарашда барча мураккабликларни, қочиримларини илғаб олиш мушкул бўлган нафис шиддат билан чайқалиб туради. Бу сернуқта битиклар замин ва замон, илоҳ ва инсонга мансуб бўлган муштарак бир юракнинг тебраниш чизиқларидир.

Шоир қалами мисрама-мисра маънавият ва Руҳ уммонининг қаър-қаърларига кириб боради, инсоннинг юрагига аёвсиз бир журъат билан шўнғийди ва у ердан бебаҳо дурдоналар олиб чиқади.

Ики кўз гавҳарингдан ком олурман,
Ики дунёга жуфт бодом олурман.

Хўш, бир жуфт кўзи икки дунёга арзийдиган Бедил талқинидаги инсон қандай фазилатлар эгаси? Бу инсон хушрафтор, борган ерига оёқ юзи ярашадигандир.

Агар сен бўлмасанг дилга нетиб бахт, гулўзор келгай,
Агар келсанг сурур келгай, беҳишт келгай, баҳор келгай.

Бедил ҳазратлари ўз китобхонларига ана шундай Беҳишт, ана шундай Баҳорни туҳфа этиб яшади. Айни пайтда бу туҳфа биз учун ўзига

хос синов ҳамдир. Негаки, бу Беҳишт, бу Баҳор салтанатига мисраларда тилсимланган чигал йўллар орқалигина кириб бориш мумкин.

Муаззам дил сира шонсиз бўлурми,
Биёбон ҳам биёбонсиз бўлурми.

Шоирнинг руҳий оламига, ана шу биёбонга қадам қўя борар экансиз, бу салтанат қаршингизда тобора шукуҳлироқ, тобора поёнсизроқ бир тарзда намоён бўла боради.

Менинг кўнглим учун, бил, ғам яралган,
Ики кўзим туфайли нам яралган.
Қанот қоққан эдим бир субҳидамда,
Кечикмасдан қафас шул дам яралган.

Бироқ бу ожизлик Бедил ҳазратларининг лирик қаҳрамони, «мен»и учун мутлақо ўткинчидир. Бу ғам ва намларда қолган инсон дастлабки қулай лаҳзалардаёқ ожизлик тузоғини узиб, қафасни синдириб, фалак билан баҳс эта бошлайди.

Яралган, минг шукр, олам деб олам,
Менинг-чун, хайрият, мен ҳам яралган.

Мирзо Бедил лирикасида бир жойга келиши маҳол бўлган зиддиятлар омухта бўлиб кетади. У худди сеҳргар морбоздек, ақл бовар қилмайдиган мантиқсизликлардан нур таратади, қарама-қарши қутбларни бир нуқтага туташтириб, чақинлар чақнатади.

Энди менинг куйди парим, синди қанотим,
Кенгликка само зор, фурсатга – замонлар.

Бу муборак шеърятда туркона ёввойи на-
вқиронлик, форсиёна нуроний заковат, ҳашам,
ҳиндуона афсун-сеҳр чамбарчас яшайди.

Мирзо Абдулқодир Бедил бир ғазалида:

Садоқат ва меҳр майдони ичра
Шаҳид бўлдим, абад ором олурман –

деб таскин топса, бошқа бир байтида:

Мурда ҳам маҳшар учун оввора,
Ором олмоқ не қадар душвордир! –

деб ҳасрат чекади.

* * *

Мирзо Абдулқодир Бедил ғазалиётида айри-
лиқ тўғрисида олис сафарга кетаётган карвон
ҳақида талай ёниқ мисралар мавжуд. Бу шеър-
ятда соғинч оҳанглари, айтиш мумкинки, етакчи
оҳанглардан биридир. Қолаверса, шоирнинг нас-
рий асарларида («Чаҳор унсур») ота ватанидан
уни қавму қариндошлари йўқлаб келганлиги
ҳақида хотиралар борки, бу ҳам шоирнинг ёд-
хаёли Туркистондан бир лаҳза бўлсин узилмаган-
лигини кўрсатади. Ота ватани ҳам ўз навбатида,
буюк фарзанди ижодини эътиборсиз қолдирма-
ди. Буюк туркий диёр ўзининг форсийзабон
ўғлига қунт, оташин меҳр билан муносабатда
бўлди. Бу қунт, бу меҳр муттасиллик касб
этди.

Таржима жараёнида Хоразм шаҳру қишлоқларига сафарлар қилганимизда ҳам бу эътиборнинг шоҳиди бўлдик. Деярли ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда шоир девонларини кўз қорачиғидек асраб келаётган китобсеварлар борлиги, бу эса бир вақтлари воҳамизда қизғин бедилхонликлар бўлганлигидан далолат эканлигини қайд этиб ўтмакни истаймиз.

Дарёдан ҳар ким ўз ташналигига яраша сув ичади, парвоздаги қуш ҳам осмоннинг бор бандлигини забт эта олмайди. Бедил ҳазратлари шеърияти дарё кабидир, осмон янглиғдир. Не фазилати бўлса, Мирзо Абдулқодир Бедилга, не нуқсони бўлса таржимонга тегишли ушбу ғазаларни эътиборингизга ҳавола қилаётиб, мени ташна бир қуш ўрнида кўришингизни ўтинаман.

Матназар АБДУЛҲАКИМ



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/1757>

saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1757>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1757>